XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 1 358,2 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 5,8 минг кишига ёки 100,4 фоизга кўпайди. Шундан, 636,8 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 46,9 фоизи) ва 721,4 минг киши – қишлоқ жойларида (53,1фоизи) истиқомат қилади.

Жиззах вилоятининг ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			*Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда*			*Доимий аҳоли сонининг вилоятда улуши, фоизда*		
	жами	*шу жумладан:*		*жами*	*шу жумладан:*		*жами*	*шу жумладан:*	
		шаҳар	*қишлоқ*		*шаҳар*	*қишлоқ*		*шаҳар*	*қишлоқ*
Жиззах вилояти	**1 358,2**	**636,8**	**721,4**	**100,4**	**100,4**	**100,5**	**100,0**	**46,9**	**53,1**
шаҳар:									
Жиззах	175,2	175,2	0,0	100,5	100,3	-	12,9	100,0	-
туманлар:									
Арнасой	45,4	15,6	29,8	100,4	100,6	100,3	3,3	34,4	65,6
Бахмал	153,1	41,4	111,7	100,3	100,5	100,4	11,3	27,0	73,0
Ғаллаорол	168,3	59,4	108,9	100,3	100,2	100,5	12,4	35,3	67,3
Ш.Рашидов	215,3	85,8	129,5	100,6	100,4	100,9	15,8	39,9	60,1
Дўстлик	64,4	27,3	37,1	100,1	100,0	100,5	4,7	42,4	57,6
Зомин	160,7	76,3	84,4	100,5	100,5	100,5	11,8	47,5	52,5
Зарбдор	84,0	46,8	37,2	100,4	100,6	100,3	6,2	55,7	44,3
Зафаробод	49,1	22,4	26,7	100,4	100,4	100,8	3,6	45,6	54,4
Мирзачўл	50,7	28,2	22,5	100,6	100,7	100,4	3,7	55,6	44,4
Пахтакор	73,1	35,7	37,4	100,3	100,3	100,5	5,4	48,8	51,2
Фориш	91,2	16,9	74,3	100,3	100,6	100,3	6,7	18,5	81,5
Янгиобод	27,7	5,8	21,9	100,4	100,0	100,5	2,0	20,9	79,1

Худудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

(2019 йил 1 апрель холатига)



Январь-мартида вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари

Кўрсаткичлар	*Киши сони*		*1000 аҳолига нисбатан*	
	2018 йил	*2019 йил*	*2018 йил*	*2019 йил*
Туғилганлар	6 612	7 338	20,2	22,0
Ўлганлар	1 321	1 246	4,0	3,7
шу жумладан:				
бир ёшгача болалар	67	94	8,8	11,2
Никоҳлар, мингта	1 697	1 887	5,2	5,6
Ажралишлар, мингта	288	285	0,9	0,9

Туғилиш. 2019 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 7 338 кишини ташкил этди ва 2018 йилнинг шу даврига (6 612 киши) нисбатан 726 кишига кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 22,0 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффициентининг сезиларли кўпайиши Жиззах шаҳри (16,0 промилледан 25,6 промиллегача), Бахмал (23,3 промилледан 24,8 промиллегача), Зомин (24,2 промилледан 24,5 промиллегача) Зарбдор (20,6 промилледан 22,6 промиллегача), Пахтакор (18,3 промилледан 20,1 промиллегача) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Худудлар кесимида тугилганлар сони ва коэффициенти

2019 йилнинг январь-март ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)

Ўлим. 2019 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 1246 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (1321 киши) нисбатан минус 75 кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 3,7 промиллени ташкил қилди (2018 йил январь-мартида 4,0 промилле бўлган).

Ўлим коэффициентининг сезиларли ўсиши Жиззах шахар (4,4 дан, 4,5 промиллегача), Мирзачўл (2,7 дан 2,8 промиллегача), Фориш (3,4 дан 3,5 промиллегача), ҳиссасига тўғри келади.

Ўлим даражасининг энг паст кўрсаткичи Арнасой (2,1 промилле), Зарбдор (3,2 промилле) ва Зафаробод (3,3 промилле) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Худудлар кесимида ўлганлар сони ва коэффициенти

2019 йилнинг январь-март ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлганлар умумий сонидан 55,0 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 9,4 фоизи – ўсма касалликларидан, 7,7 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,3 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 1,4 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 15,8 фоизи – бошқа касаликлардан вафот этган.

Асосий ўлим сабаблари бўйича вафот этганларнинг тақсимланиши
(жами вафот этганларга нисбатан, % да)



Жорий йилнинг январь-март ҳолатига оналар ўлими кузатилмади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-мартида бир ёшгача 94 та болалар ўлими қайд этилган. Гўдаклар ўлими коэффициенти 11,2 промиллени (2018 йил январь-мартида 8,8 промилле бўлган) ташкил қилди.

Гўдаклар ўлимининг юқори кўрсаткичлари Арнасой 12,0 (1 000 тирик туғилганга нисбатан), Зомин 13,6 , Зарбдор 10,9 ва Жиззах шаҳри 42,8 ҳиссасига тўғри келади.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 48,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 34,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 4,3 фоизи – туғма аномалиялардан, 2,1 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 6,4 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 2,1 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 2,1 фоизи – бошқа касалликлардан вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2019 йилнинг январь-мартида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 1 887 та никоҳлар ва 285 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган, 1 000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 5,6 (2018 йилнинг январь-мартида 5,2 бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффициенти 0,9 ни (2018 йилнинг январь-мартида 0,9 бўлган) ташкил этган.



Тузилган никоҳлар сони 2019 йилнинг мос даврига нисбатан барча худудларда камайиш кузатилган бўлиб ассосан энг юқори камайиш суръати Бахмал (84,8 %), Мирзачўл (86,0 %) туманларига тўғри келмоқда.

Январь-мартида тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

(киши да)

	Тузилган никоҳлар		*Никоҳдан ажралишлар*	
	2018 й.	*2019 й.*	*2018 й.*	*2019 й.*
Жиззах вилояти	**1697**	**1887**	**288**	**285**
шаҳар:				
Жиззах	196	229	51	37
туманлар:				
Арнасой	56	60	5	13
Бахмал	184	156	43	26
Ғаллаорол	195	205	36	39
Шароф Рашидов	226	268	35	35
Дўстлик	100	88	13	7
Зомин	261	341	41	37
Зарбдор	148	139	13	22
Зафаробод	59	87	11	8
Мирзачўл	57	49	9	18
Пахтакор	143	172	14	20
Фориш	50	67	10	17
Янгиобод	22	26	7	6

Худудлар кесимида никохдан ажрашганлар сони ва коэффициенти
(2019 йил январь-март)

Ажримлар сони 2018 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръати Арнасой (260,0 %), Мирзачўл (200,0 %) ва Фориш (170,0 %) туманларига тугри келмоқда

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2 872 киши, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 3 131 киши ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус 259 киши ташкил этган, 2018 йилнинг мос даврида минус 315 киши бўлган.

Январь-мартда аҳолининг миграция кўрсаткичлари

(киши)

	Келганлар		*Кетганлар*		*Миграция сальдоси*	
	2018й.	*2019й.*	*2018й.*	*2019й.*	*2018й.*	*2019й.*
Жиззах вилояти	**2 971**	**2 872**	**3 286**	**3 131**	**-315**	**155**
шаҳар:						
Жиззах	492	486	615	590	-123	25
туманлар:						
Арнасой	137	88	202	113	-65	89
Бахмал	197	155	372	375	-175	-3
Ғаллаорол	201	123	302	227	-101	75
Шароф Рашидов	743	795	383	398	360	-15
Дўстлик	208	177	204	244	4	-40
Зомин	135	169	268	208	-133	60
Зарбдор	201	176	170	245	31	-75
Зафаробод	137	128	148	120	-11	28
Мирзачўл	215	213	153	128	62	25
Пахтакор	145	184	221	230	-76	-9
Фориш	145	122	196	204	-51	-8
Янгиобод	15	56	52	49	-37	3

Миграция сальдосининг юқори даражаси Зарбдор (минус 75 киши), Дўстлик (минус 40), Шароф Рашидов (минус 15), туманларида қайд этилди. Миграциянинг ижобий сальдоси Арнасой (плюс 89 киши) ва Ғаллаорол (плюс 75 минг киши) туманларида кузатилди.

XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

2019 йил январь-март ойларида Жиззах вилояти бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи миқдори
(дастлабки маълумот)

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2019 йил январ-март ойларида Жиззах вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи _1 759,6 **минг сўм**ни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этди.

Тармоқлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи
(2019 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

	Ўртача ойлик иш ҳақи, *минг сўм*
Жиззах вилояти бўйича – жами	**1 759,6**
шу жумладан:	
Саноат	1 754,2
Қурилиш	1 657,6
Савдо	2 344,5
Ташиш ва сақлаш	1 655,0
Ахборот ва алоқа	1 640,9
Молиявий ва суғурта фаолияти	2 511,1
Таълим	1 506,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 471,1
Бошқа фаолият турлари	1 723,1

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят туманлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Жиззах шаҳрида **2 179,1** минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 123,8 %), Бахмал тумани 1 764,4 минг сўмни (100,2 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(2019 йил январь-март, минг сўмда)



Ҳудудларларнинг ўртача иш ҳақи вилоятнинг ўртача иш ҳақига нисбатан ўсиши фоизда

(2019 йил январь-март, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2019 йил январь-март ойларида **577,2** минг сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.